

ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА
MAGNE B6®
MAGNE B6®

Препаратнинг савдо номи: MAGNE B6®

Действующие вещества: магний лактати дигидрати/магний пидолати/пиридоксин гидрохлориди.

Дори шакли: ичга қабул қилиш учун эритма ампулаларда.

Таркиби:

Фаол моддалар: магний лактати дигидрати - 186 мг, магний пидолати - 936 мг, пиридоксин гидрохлориди - 10 мг

Ёрдамчи моддалар: натрий дисульфити, натрий сахаринати, олча-карамелли ароматизатори, тозаланган сув.

Олча-карамелли ароматизаторининг таркиби: малина, апельсин, какао, қора қарағатнинг алкоголятлари ва спиртли настойкалари, қахва, Тонка дуккаклари, гемантус ва пажитник экстрактлари, ванилин, этилванилин, мальтол, пиперонал, оксифенилон, ацетилфенилкарбинол, диацетил, изоамил ацетати, гамма-ноналактон, иононлар, метилизоевгенол, бензой альдегиди, карамель, пропиленгликоль.

Бир ампуладаги магний (Mg^{2+}) нинг умумий миқдори 100 мг (4,11 ммоль) ни ташкил қилади.

Таърифи: тиник, жигарранг рангли, карамель хидли суюқлик.

Фармакотерапевтик гуруҳи: магний (турли тузлар ва комбинациялар).

АТХ коди: А12СС30.

Фармакодинамикаси

Физиологик аспектлари:

Магний асосан хужайра ички катиони ҳисобланади. У нейронларнинг қўзғалувчанлигини ва қўзғалашни нерв-мушак бўйлаб ўтказилишини пасайтиради, Кўпчилик ферментатив жараёнларда иштирок этади.

Магний аъзолар ва тўқималарнинг муҳим элементи ҳисобланади: суяк тўқимасида одам организмидаги магнийнинг умумий миқдорини ярми сакланади.

Клиник аспектлари:

Зардобдаги магнийнинг даражалари:

- 12 ва 17 мг/л гача (1-1,4 мЭкв/л ёки 0,5-0,7 ммоль/л) орасида: магнийнинг ўртача танқислигини кўрсатади;

- 12 мг/л дан паст (1 мЭкв/л ёки 0,5 ммоль/л) –магнийнинг оғир танқислигини кўрсатади.

Танқислик:

- бирламчи, магний метаболизмини туғма аномалияси туфайли бўлиши мумкин:

- қуйидагилар туфайли иккиламчи бўлиши мумкин:

- организмга ноадекват тушиши (оғир етарли овқатланмаслик, алкоголизм, тўлик парентерал овқатланиш),

- меъда-ичакда сўрилишини бузилишлари (сурункали ич кетиши, меъда-ичак оқмаси, гипопаратиронизм),

- буйрақлар миқёсида ортикча йўқотилиши (буйрақ найчаларнинг касалликлари, жиддий полиурия, диуретикларни суистеъмол қилиш, сурункали пиелонефрит, бирламчи гиперальдостеронизм, цисплатин билан даволаниш) туфайли юз бериши мумкин.

Пиридоксин (B₆ витамини) кўпчилик метаболик жараёнларда, нерв тизимининг метаболизмини бошқарилишида иштирок этади.

Пиридоксиннинг биологик хусусиятларини пиридоксаль-5-фосфат таъминлайди, у организмда пиридоксалькиназа ферменти иштирокида хосил бўлади.

B_6 витамини магнийни меъда-ичак йўлларида сўрилишини ва уни хужайраларга киришини яхшилади, бу ушбу моддалар мажмуасининг самарадорлигини таъминлайди.

Фармакокинетикаси

Магний тузларининг меъда-ичакдан сўрилиши қисман пассив механизм йўли билан юз беради, унда тузнинг эрувчанлиги асосий ролни ўйнайди. Бу сўрилишнинг даражаси 50% дан ошмайди. Чиқарилиши авваламбор сийдик билан юз беради.

Қўлланилиши

Ушбу дори воситаси магний сақлайди ва организмда бу элементнинг танқислигини тўғрилаш учун қўлланади.

Қуйидаги симптомларнинг маълум сонини мажмуаси магнийнинг танқислигидан далолат бериши мумкин:

- Асабийлик, таъсирчанлик, кучсиз хавотирлик, ўткинчи толиқиш, уйқуни бироз бузилиши,
- Меъда-ичак спазмлари, юракни тез-тез уриши (соғлом юракда) шаклидаги безовталиқ кўринишлари,
- Мушак тиришишлари, санчилиш хисси.

Магнийни буюриш бу симптомларни йўқотишга ёрдам бериши мумкин.

Агар бир ой даволашдан кейин яхшиланиш кузатилмаса, ушбу препарат билан монотерапияни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмас.

Қўллаш усули ва дозалари

Ушбу дори препарати ичга қабул қилиш учун кўрсатилган.

УНИ ИНЪЕКЦИОН ЮБОРИШ МУМКИН ЭМАС!

Ампула ичидагисини ярим стакан сувда суюлтириш керак.

Катталарга: 2-3 қабулга бўлинган суткада 3-4 ампула овқат қабул қилиш вақтида.

Вазни 10 кг дан ортиқ болалар (тахминан 1 ёшли ва каттароқ болалар):

суткада 10-30 мг/кг (суткада 0,4-1,2 ммоль/кг), яъни 2-3 қабулга бўлинган суткада 1-4 ампула, овқатланиш вақтида қабул қилинади.

Ўтказиб юборилганини ўрнини тўлдириш учун иккиланган дозани қабул қилманг!

Қондаги магнийнинг даражаси нормаллашганидан кейин даволашни тўхтатиш керак.

Одатда даволаш давомийлиги бир ойни ташкил қилади.

ДИҚҚАТ: АМПУЛАЛАР - ЎЗ-ЎЗИДАН СИНУВЧАН, АРРАЧАНИ ИШЛАТИШНИ ТАЛАБ ҚИЛМАЙДИ! Ампулани очиш учун, уни учидан ушлаб (олдиндан уни мато бўлакчаси билан ёпиш мумкин), кескин ҳаракат билан учини синдириш. Расмда тасвирланган йўриқнома бўйича бажаринг!

Ножўя таъсирлари

Барча дорилар каби, ушбу препарат айрим одамларда у ёки бу даражадаги нохуш кўринишлар чақириши мумкин: диарея, абдоминал оғриқлар, тери реакциялари, аллергик реакциялар.

Препаратнинг ушбу чиқариш шаклида (ичга қабул қилиш учун эритма) натрий дисульфит ($E 223$) мавжудлиги туфайли, хатто анафилактиккача бўлган аллергик реакциялар, ва бронхоспазм хавфи бор.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Ушбу препаратни қуйидаги ҳолларда қўллаш мумкин эмас:

- препаратнинг компонентларидан бирига юқори сезувчанлик,
- креатинин клиренси минутига 30 мл дан кам бўлган оғир буйрак етишмовчилиги.

- леводопа билан бир вақтда қўллаш.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Магний, тавсия қилинмайдиган мажмуалар

- Фосфор ёки кальций тузлари

Бу препаратлар магнийни ичакдан сўрилишини сусайтиради.

Эътиборга олиш керак бўлган мажмуалар

- Перорал тетрациклинлар

Тетрациклинлар ва магнийни ичга қабул қилиш орасида, тетрациклинларни меъда-ичак йўлларида сўрилишини пасайиши туфайли, камида 3 соатлик интервалга риоя қилиш керак.

- Перорал тромболитик воситалар

Магний уларнинг таъсирини сусайтиради. Магний темирнинг ўзлаштирилишини камайтиради.

В₆ витамини, тавсия қилинмайдиган мажмуалар

- Леводопа

Леводопа билан бир вақтда қўлланганида, леводопанинг самаралари камаяди ёки бутунлай сусаяди.

В₆ витамини, эътиборга олиш керак бўлган мажмуалар

- Гормонал контрацептивлар

Гормонал контрацептивлар билан бир вақтда қўлланганида, қон плазмасида пиридоксиннинг концентрацияси ошиши мумкин.

- Диуретиклар

Бир вақтда қўлланганида диуретикларнинг таъсири потенциаланади.

- Изоникотингидразид, пеницилламин, циклосерин

Изоникотингидразид, пеницилламин, циклосерин билан бир вақтда қўлланганида, пиридоксиннинг самарадорлиги пасайиши мумкин.

- Фенитоин, фенобарбитал

Фенитоин, фенобарбитал билан бир вақтда қўлланганида, қон плазмасида фенитоин ва фенобарбиталнинг концентрацияси камайиши мумкин.

Махсус кўрсатмалар

Махсус кўрсатмалар

Йўлдош кальций танқислигида, қўшимча кальций юбориш бошлангунича, магнийнинг танқислиги бартараф қилинган бўлиши керак.

Магнийнинг оғир танқислигида ва сўрилишини бузилишларида, даволаш учун препаратларни вена ичига юбориш учун танланиши керак. Ушбу дори препарати ичга қабул қилиш учун кўрсатилган.

УНИ ИНЪЕКЦИОН ЮБОРИШ МУМКИН ЭМАС!

Эҳтиёткорлик чоралари

Ўртача буйрак етишмовчилигида, гипермагниемия билан боғлиқ бўлган хавфни олдини олиш мақсадида эҳтиёткорликка риоя қилиш керак.

Меъда ва ўникки бармоқ ичак яра касаллигида, юракнинг ишемик касаллигида эҳтиёткорлик билан қўлланади.

Жигарни оғир шикастланишларида пиридоксин юқори дозаларда унинг фаолиятини ёмонлаштириши мумкин. Пиридоксин юқори дозаларда узоқ вақт давомида (бир неча ойлар давомида ёки айрим ҳолларда – йил давомида) қўлланганида сенсор нейропатия ривожланиши мумкин, у увишиш, вестибуляр бузилишлар, қўл-оёқлар дистал бўлимларининг тремори ва аста-секин ривожланиб борувчи сенсор атаксия (ҳаракат координациясини бузилиши) каби симптоматика билан кечиши мумкин. Бу бузилишлар одатда қайтувчан бўлади ва В₆ витаминининг юқори дозалари бекор қилинганидан кейин ўтиб кетади.

Ампулалар сульфит сақлайди, у хавф гурухи беморларида аллергия тур реакцияларни, шу жумладан анафилактик реакцияларни, чакириши ёки ёмонлаштириши мумкин.

Алоҳида гуруҳ пациентларда қўллашнинг ўзига хослиги

Ҳомиладорлик ва эмизиш

Ҳомиладорлик

Зарурати бўлганида бу дорини ҳомиладорликнинг ҳар қандай муддатида қўллаш мумкин. Агар препарат билан даволаниш давомида, Сиз ҳомиладор бўлганлигингизни аниқласангиз, шифокор билан маслаҳатлашинг, у Сизни даволашни давом эттиришингиз керакми, йўқми ҳал қилади.

Эмизиш даври

Магнийни она сутига ўтиши тўфайли, препаратни эмизиш даврида қўллашдан сақланиш керак.

Транспорт воситалари ёки бошқа механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Алоҳида тавсиялар йўқ.

Дори препаратини тўғри ва самарали ишлатиш учун муҳим бўлган ёрдамчи моддалар

Ушбу дори препарати дисульфит сақлайди, у алоҳида хавфга дучор бўлган беморларда аллергия тур реакцияларни, анафилактик реакцияларни ҳам қўшиб, чакириши ёки ёмонлаштириши мумкин.

Препарат болалар олаолмайдиган жойда сақлансин ва яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дозани ошириб юборилиши

Агар буйраклар нормал ишлаётган бўлса, магнийнинг перорал дозасини ошириб юборилиши одатда токсик реакцияларга олиб келмайди. Аммо магний билан захрланиш буйрак етишмовчилигида ривожланиши мумкин. Токсик самаралари магнийнинг қондаги даражасига боғлиқ, уларнинг симптомлари эса қуйидагилар: артериал босимни тушиб кетиши, кўнгил айниши, қусиш, МНТ сусайиши, бузилган рефлекслар, ЭКГ ўзгаришлар, нафасни сусайиши, кома, юракни тўхташи ва нафас фалажи, анурия синдром. Катта доза қабул қилинганда - анурик синдром хавфи юз беради.

Даволаш: регидратация, жадаллаштирилган диурез. Буйрак етишмовчилигида гемодиализ ёки перотонеал диализ зарур.

Чиқарилиш шакли

10 мл сиғимли, иккала учининг ҳар бирида икки синдириш йўли бўлган III тур сарик шиша ампула, 10 ампуладан қўллаш бўйича йўриқномаси билан бирга картон қутида.

Сақлаш шароити

Ёруғликдан ҳимояланган жойда, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Яроқлилик муддати


3 йил.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз берилади.

Ишлаб чиқарувчи

САНОФИ-АВЕНТИС ФРАНС, Кооперасьон Фармасетик Франсез, Франция.



1. Ампулани расмда кўрсатилганидек ушланг, ва унинг бир учини синдириб (ампуланинг иккала учи бир хил).

2. Сўнгра ампулани 180° га айлантириш ва унинг иккинчи учини синдириб, ампула ичидагисини сувли стаканга қуйиш керак.